ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЯККАБОҒ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

2019 йил "17" декабрь V-88/205-сонли Яккабоғ тумани

2020 йил учун Яккабоғ туман маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) 18-моддасига асосан 2020 йил учун Яккабоғ туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Яккабоғ тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно.

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида

тақсимланади:

– юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана савдосидан бериладиган ҳуқуқ учун йиғимлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йигимлар.

в) вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан солиқ;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

г) мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солигидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонуннинг 21-моддасига асосан, туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) туман маҳаллий бюджетидан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи

гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари туман маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилади);

б) қуйидаги харажатлар туман маҳаллий бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари.

4. 2020 йил туманни ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман маҳаллий бюджетидан 2020 йилда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағи олувчиларига ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлар прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажми 2170,1 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаси туман маҳаллий бюджетини умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Туман бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамгармаси миқдорлари 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини туман бюджетида

кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилиши таъминласин.

10. Туман маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар туман ҳокимлиги таклифларига асосан, туман Халқ депутутлари Кенгаши қарорларига мувофиқ ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларнинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган тадбирларга, ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш, туман ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

Вилоят ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар туман маҳаллий бюджетининг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман ҳокимлиги:

туман маҳаллий бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтга тумандаги бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

14. Туман ҳокимлиги туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини, веб-сайтга уларнинг натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

15. Вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларининг шунингдек, вилоят ташкилот ва идораларининг ишчи гуруҳлари томонидан туманда ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган йўл хариталари, йиғилиш баённларига асосан маҳаллий бюджетнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблагларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Халқ депутатлари Кенгашига киритилишини таъминласин.

17. Яккабоғ туман ҳокимлиги Ахборот хизмати Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Яккабоғ туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари О.Тиловов зиммасига юклатилсин.

19. Халқ депутатлари Яккабоғ туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 71/151-сонли қарори 2020 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Халқ депутатлари туман
Кенгаши сессия раиси **У.Н.Назаров**

ASLIGA TO'G'RI

Қарор лойиҳасини тайёрлади:

Туман ҳокимлиги молия
бўлими мудири _____Ш.Эшматов

Келишилди:

Туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари _____ О.Тиловов

Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси _____ К.Султонов

Халқ депутатлари
Яккабоғ тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
V-488/205 -сонли қарорига
1-илова

Яккабоғ туманининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2021-2022 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Истеъмол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	103,9
2.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	103,2
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	105,1
4.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	102,7

Халқ депутатлари
Яккабоғ тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
4-88/205-сонли қарорига
2-илова

Яккабоғ туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**103 688 291,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	0,0
2	Ягона солиқ тўлови	7 541 100,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	42 753 241,0
4	Қўшилган қиймат солиги	0,0
5	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 856 380,0
6	Акциз солиғи, жами	5 436 862,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*5 436 862,0*
7	Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)	20 815 000,0
	- Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	*13 362 000,0*
	- Мобил алоқага акциз солиғи	*7 453 000,0*
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 268 589,0
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 744 531,0
10	Юридик шахслар ер солиғи	6 052 724,0
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 999 560,0
12	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	721 326,0
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	361 182,0
14	Давлат божи	0,0
15	Жарималар	0,0
16	Ижара тўлови	100 000,0
17	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	0,0
18	Йиғимлар	4 037 796,0

Халқ депутатлари
Яккабоғ тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
88/205-сонли қарорига
3-илова

2020 йил учун Яккабоғ тумани маҳаллий бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**146 840 289,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**146 840 289,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Индексация маблағлари	
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**0,0**
1.	**Халқ таълими бўлими**	**7 761 395,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 761 395,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**8 411 410,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 411 410,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
3.	**Соғлиқни сақлаш**	**62 858 340,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	62 858 340,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
4.	**Маданият бўлими**	**1 126 229,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 126 229,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

5.	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 106 737,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 106 737,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6.	**Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар**	**39 142 888,0**
	шу жумладан:	
	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	33 679 452,0
	Компенсация туловлари	5 463 436,0
7.	**Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари**	**863 742,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	863 742,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
8.	**Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари**	**1 508 538,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 508 538,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
9.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**10 686 623,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 686 623,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10.	**Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар**	**145 089,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	145 089,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11.	**Ижтимоий Кўникма маркази**	**52 022,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	52 022,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12.	**Ветеринария қўмитаси ташкилотлари**	**1 121 586,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	1 121 586,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13.	**Давлат бошқарув идоралари**	**4 460 806,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 460 806,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари**	**5 424 830,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 424 830,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
15.	**Заҳира жамғармаси**	**2 170 054,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 170 054,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0



Халқ депутатлари
Яккабоғ тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
V-28/405-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Г/Р	**Ҳудуд номи**	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилгиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Яккабоғ тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Яккабоғ тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
V-48/205-сонли қарорига
5-илова

Яккабоғ туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Т/Р	Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
1	Яккабоғ тумани	103 688 291,0	146 840 289,0

Халқ депутатлари
Яккабоғ тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
V-38/205 -сонли қарорига
6-илова

Яккабоғ туман маҳаллий бюджетига 2020 йилда юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Т/Р	Ҳудуд номи	Тартибга солувчи трансферт миқдори
1	Яккабоғ тумани	43 151 998,0

Халқ депутатлари
Яккабоғ тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрдаги
38/205-сонли қарорига
7-илова

Яккабоғ туман маҳаллий бюджетининг
2020 йил учун заҳира жамғармаси миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Яккабоғ тумани	2 170 054,0